

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ,
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

МИРСАНОВ ҒАЙБУЛЛО ҚУЛМУРОДОВИЧ

**АСПЕКТУАЛЛИК ВА ТЕМПОРАЛЛИК МАЗМУНИ
ИФОДАСИНИНГ КОГНИТИВ-ПРАГМАТИК АСОСЛАРИ
(инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира
тилшунослик ва таржимашунослик**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата (DSc) диссертации

Content of the abstract of (DSc) dissertation

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович Аспектуаллик ва темпораллик мазмуни ифодасининг когнитив- прагматик асослари (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)	3
Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович Когнитивно-прагматические основы выражения аспектуального и темпорального содержания (на материале английского и узбекского языков)	33
Misanov Gaybullo Kulmuradovich Cognitive-pragmatic basis of expressing aspectual and temporal content (on the material of English and Uzbek and languages)	63
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	72

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ,
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

МИРСАНОВ ҒАЙБУЛЛО ҚУЛМУРОДОВИЧ

**АСПЕКТУАЛЛИК ВА ТЕМПОРАЛЛИК МАЗМУНИ
ИФОДАСИНИНГ КОГНИТИВ-ПРАГМАТИК АСОСЛАРИ
(инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира
тилшунослик ва таржимашунослик**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №/B2019.1.DSc/Fil76 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (nuu.md.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Сафаров Шахриёр Сафарович

филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Расулова Махфуза Инамовна

филология фанлари доктори, профессор

Раупова Лайло Рахимовна

филология фанлари доктори, профессор

Усмонова Шоира Рустамовна

филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.26.04.2018.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2019 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 400 уй. Тел (99871) 246-08-62; (99871) 246-65-24, e-mail: nauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети, Хорижий филология факультети (1-кават, 112-ауд)

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 400 уй. Тел (99871) 246-08-62; (99871) 246-65-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги № __ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Шереметьева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол. фан.д., профессор

Ш.О. Назирова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филол.фан.н., доцент

И.А. Сиддикова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.фан.д., профессор

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон тилшунослигида тилнинг амалий қўлланиши, унинг ижтимоий моҳияти тадқиқига кенг эътибор қаратилмоқда. Прагмалингвистика, социоллингвистика, когнитив тилшунослик, матн тилшунослиги каби соҳалар доирасида кенг қамровли тадқиқотларнинг олиб борилаётганлиги бунга яққол мисол бўла олади. Тилни лисоний тадқиқот қилишнинг ушбу йўналишларида тилнинг коммуникатив жараёндаги амалий кўриниши муаммоларини ўрганиш етакчи ўринга чиқади. Шу жумладан, темпорал ва аспектual маънонинг матнда ифодаланиши, уларнинг мулоқот муҳитидаги мавқеини аниқлаш, ушбу ҳодисаларнинг когнитив-концептуал моҳиятини белгилаш, функционал имкониятларини очиб бериш, концептуал таснифини яратиш муҳим муаммолардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунё тилшунослигида тилнинг мулоқот шароитида қўлланишни ёритиш, коммуникатив мақсадни рўёбга чиқарадиган лисоний ва нолисоний восита ҳамда усулларни когнитив-прагматик йўналишда таҳлил қилишни режалаштирган лойиҳа ва дастурлар изчил амалга оширилмоқда. Ушбу дастурлар ижросини таъминлаш учун турли тилларнинг алоҳида сатҳлари заҳиравий имкониятларини тавсифлашга оид илмий изланишлар кўлами кенгайиб бормоқда. Аспектual ва темпорал маъноларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда барча тилларга хослиги маълум, аммо мазкур ҳодисаларнинг ҳар бир тилда турлича шаклланиши уларнинг когнитив-дискурсив воқеланиш ҳолатларини қиёсий таҳлиллар асосида тадқиқ қилиш заруриятидан дарак беради.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларда маънавий юксалишнинг асосида турадиган тил тизими тадқиқини илмий жиҳатдан мустаҳкамлаш, замон талабларига ҳозиржавоблигини таъминлаш устувор вазифалардандир. Юртимизда ҳам лисоний ҳодисалар таҳлилининг юқорида таъкидланган йўналишларида олиб борилаётганлиги ўзбек тилшунослигининг илғор тилшунослик йўналишларига интеграциялашаётганини кўрсатади. Тилнинг ифода имкониятлари мазмун яратишга мўлжалланган заҳирасини мукамал ўрганиш борасида олиб борилаётган изланишлар бундан гувоҳлик беради. Кўзланган мақсадни бекаму-кўст амалга ошириш учун фундаментал тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ҳамда уларнинг инновацион ғоя ва технологиялар таъминотида бажарилишини таъминлаш лозим бўлади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, «дунёда илм-фан соҳасидаги ютуқлар айнан фундаментал тадқиқотлар йўналишида қўлга киритилгани тасодиқий эмас»¹.

Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва илмий фаолият тўғрисидаги 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-576 қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8-октябрь 2019 йилдаги ПФ-5647 «Ўзбекистон Республикаси

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 171.

олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги» Фармони², Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохатларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорларида ва ушбу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларнинг бажарилишига мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Матннинг прагматик таҳлили, дейктик бирликларнинг матнда фаоллашуви, дискурс назарияси ва матн семантикасига оид тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Oxford University, Cambridge University, University of London, Newcastle University, Essex University (Буюк Британия), University of California, University of Arizona, State University of New York at Stony Brook (АҚШ), University of Toronto (Канада), University of Warsaw (Польша), University of Hamburg (Германия), Москва давлат университети, Москва давлат лингвистика университети, Санкт-Петербург университети (Россия), шунингдек, Ўзбекистон миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти каби олий таълим муассасалари ва илмий марказларида олиб борилмоқда.

Жаҳон тилшунослигида феъл кесим доирасида фаоллашадиган аспектлар ва темпорал семантика, когнитив мазмун ва унинг предикатда воқеланишига йўналтирилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги натижалар олинган: аспектлар семантикасининг композиционал тури аниқланган (Montclair State University (АҚШ), Centre for General Linguistics, Typology and Universals Research (Буюк Британия)); аспектларлик ва

² Халқ сўзи. 2019 йил, 9 октябрь, № 209 (7439)

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.edu.uz>, www.linguist.list; www.philology.ru; <http://www.ziyonet.uz>; www.academia.edu; postnauka.ru; filologia.su; e-lingvo.net; grammar.ru.

темпораллик муносабатлари ёритилган, аспектиалликнинг қиёсий ва тарихий типологияси шаклланган (Pennsylvania State University, Boston University (АҚШ), Курск давлат унверситети (Россия)); тил бирликларининг концептуал фаоллашуви ва уларнинг лингвомаданий хусусиятлари аниқланган (Cambridge University, Boston University, Lancaster University, Буюк Британия), (George Washington University, АҚШ), Тамбов давлат университети, Россия).

Жаҳон тилшунослигида аспектиаллик ва темпораллик муносабатлари типологияси бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишлар асосида тадқиқотлар олиб борилмоқда: аспектиалликнинг когнитив асослари; аспектиалликнинг лексик-семантик таснифи; аспектиал маъноларнинг матнда фаоллашуви; аспектиаллик ва темпоралликнинг функционал семантик майдонини аниқлаш; темпоралликнинг дейктик белгилари типологияси; аспектиал ва темпорал муносабатларнинг прагматик хусусиятлари; аспектиаллик ва темпоралликнинг концептуал тавсифи.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аспектиаллик ва темпоралликка оид тадқиқот ишлари тил ва нутқнинг турли сатҳлари доирасида бажарилган. Жумладан, аспектиал ҳамда темпорал маъноларнинг морфологик ва лексик сатҳлардаги кўриниши Ю.С. Маслов, И.П. Иванова, А. Ҳожиев, В. Гузев, А. Юлдашев, М.А. Шелякин, А. Ота, В. Comrie, S. Rothstein⁴ ва бошқалар томонидан ўрганилган бўлса, А.В. Бондарко ишлаб чиққан функционал-семантик майдон назарияси доирасида Д.М. Насилов, В.С. Храковский, Ў.Қ. Юсупов, В.А. Плунгян, Б.Х. Ризаев⁵ ва бошқа кўплаб олимлар, изланувчилар тадқиқотлар олиб борганлар. Аспектиал ва темпорал маъноларнинг предикатда фаоллашуви борасидаги қарашларни Z. Vendler, D. Dowty, M.Krifka, H.J. Verkuyl, R.S. Jackendoff, Ö.Dahl, C.S. Smith, G. Panitsa, T. Rebecca, Е.В. Падучева, Ў.Қ. Юсупов, А.Б. Шлуинский, А.А. Кибрик, А. Нурмухамедов, Д.К. Шабанов, О.У. Шукуров⁶ларнинг

⁴ Маслов Ю.С. Очерки по аспектологии. – Л. : Изд-во, ЛГУ, 1984. – 263 с.; Иванова И.П. Вид и время в современном английском языке. – Л.: Изд-во, ЛГУ, 1961. –200 с.; Ҳожиев А. Фейл. –Т.,: Фан. 1973. –192 б.; Ота А. Tense and aspect of present-day American English. –Tokyo, 1963. VIII+135 p.; Comrie В. Aspect. An Introduction to the Study of Verbal Aspect and Related Problems. –Cambridge, 1976. x+142 p.; Rothstein S. Verb Classes and Aspectual Classification // www.blackwellpublishing.com/content/BPL/Rothstein.; Юлдашев А.А. Аналитические формы глагола в тюркских языках. – М.: Наука, 1965. – 275 с.; Шелякин М.А. Способы действия в поле лимитативности // Теория функциональной грамматики. Введение. Аспектиальность. Временная локализованность. Таксис. – Л.: Наука, 1987. – С. 63-84.

⁵ Бондарко А.В. Теория значения в системе функциональной грамматики. (на материале русского языка). М.: Языки славянской культуры, 2002. –736 с.; Бондарко. А.В. Принципы функциональной грамматики и вопросы аспектологии. М.: Эдиториал УРСС, 2001 – 208 с.; Насилов Д.М. Проблемы тюркской аспектологии: Акциональность. –Л.: Наука, 1989. –208 с.; Плунгян В.А. Введение в грамматическую семантику. М.: Наука, 2009. – 206 с.; Ризаев Б.Х. Проблема аспектной семантики временных форм немецкого глагола. Аспектная семантика претерита.– Ташкент: Фан., 1999. – 121 с.; Храковский В.С. Некоторые проблемы универсально-типологической характеристики аспектиальных значений // Учен.зап. Тартуского гос.ун-та, №537. Аспектиальность и средства ее выражения. – Тарту, 1980. – С. 3-23.

⁶ Падучева Е.В. Динамические модели в семантики. –М.: Наука, 2004. – 608 с.; Jackendoff, Ray S. Semantic Structures. –N-Y.: MIT Press, 1990. –322 p.; Vendler Z. Linguistics in philosophy. London: Cornell University Press, 1967. – 216 p.; Dahl O. Tense and aspect systems / Printed in Great Britain by The Bath Press, Bath. 1985. – 214 p.; Verkuyl H. J. Formal Semantics Course. Lectures delivered in the St. Petersburg State University, 2002. –P 71-109.; Юсупов Ў.Қ. Тилшуносликдаги янги йўналишлар хусусида // Тилшуносликдаги янги йўналишлар ва уларнинг муаммолари. Илмий-амалий семинар материаллари. -Тошкент., 2013. –Б. 251-257.;

ишларида кузатиш мумкин. Кейинги йилларда аспектуал ва темпорал вазиятлар табиатининг когнитив моҳияти Т.В. Белошапкова, С. Smith, R. Langacker, L. Talmy, M. Bittner, A. Patard, F. Brisard, R. Declerck, W. Croft, V. Evans⁷ ва бошқалар томонидан ўрганилган. Хусусан, матн ва унинг прагматингвистик хусусиятлари, матндаги тил бирликларининг когнитив моҳияти J. L. Austin, J.R. Searle, J.L. Mey, R. Jackendoff, G. Yule, V. Evans, F.R. Palmer, Ч. Пирс, Дж. Лайонз, Т.А. ван Дейк, Е.В. Падучева, Е.С. Кубрякова, А.А. Абдуазизов, Ш.С. Сафаров, Д.У. Ашурова, С. Рахимов, Ғ.М. Ҳошимов, А.Э. Маматов, С. Боймирзаева⁸лар томонидан ёритилган. Ушбу тилшунослар томонидан билдирилган фикрлар эътиборга олинган ҳолда, мазкур ишда инглиз ва ўзбек тилларида аспектуаллик ва темпораллик семантикасининг матн ҳамда дискурсда намоён бўладиган прагматик, когнитив хусусиятларининг қиёсий таҳлили биринчи бор монографик планда тадқиқ қилинмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат чет тиллар институтининг «Дискурсни

Нурмухамедов А. Выражение начинательности глагольного действия в современном немецком и узбекском языках: Автореф. дис. ...канд.филол.наук. – Л.: 1976. – 23 с.; Шабанов Д.К. Турк ва ўзбек тилларида фаол ҳаракат феълларининг семантикаси. Филол.фан.номз.дисс.автореф. –Т.: 2003. –21 б.; Шукуров О.У. Ҳаракат тарзи шакллари парадигмаси. Филол. фан. номз.дисс.автореф. – Самарқанд: 2005. –22 б.; Panitsa G. Aspects of aspect: The acquisition of viewpoint and situation aspect. Thesis submitted in fulfillment of the requirements for the degree of Doctor of Philosophy. –London.: 2010. –322 p.; Шлуинский А.Б. Типология предикатной множественности: количественные аспектуальные значения. Дисс.... канд.филол.наук. – М. 2005. –372с.; Rebecca T. Aspect, Modality, and Tense in Badiaranke. A dissertation submitted in partial satisfaction of the requirements for the degree of Doctor of Philosophy in Linguistics. University of California, Berkeley, 2010. –290 p.; Кибрик А.А. Анализ дискурса в когнитивной перспективе: Диссертация в виде научного доклада, составленная на основе опубликованных работ, представленная к защите на соискание ученой степени доктора филологических наук. –М.: 2003. – 310 с.

⁷ Белошапкова Т.В. Когнитивно-дискурсивное описание категории аспектуальности в современном русском языке. Автореф....дисс.док-ра.филол.наук. –М.: 2008. – 40 с.; Evans V. The Structure of Time. Language, meaning and temporal cognition. Amsterdam-Philadelphia: John Benjamins Publishing Company, 2005, –298 p.; Croft W. Verbs: Aspect and causal structure. – Oxford: Oxford University Press, 2012. –448 p.; Patard. A, Brisard F. Cognitive Approaches to Tense, Aspect and Epistemic Modality. University of Antwerp; John Benjamins Publishing Company, 2011. –320 p.; Declerck R. The Grammar of the English Tense System. A Comprehensive Analysis. Volume 1: Berlin: Mouton de Gruyter, 2006 –848 p.; Evans V. Language and Time // A Cognitive Linguistics Approach. –Cambridge: Cambridge University Press, 2013. –282 p.; Evans V. Temporal frames of reference // Cognitive Linguistics. 24(3): 2013;–P. 393 – 435.; Geeraerts Dirk. Cognitive Linguistics: Basic Readings. –Berlin: Mouton de Gruyter. 2006. –496 p.; Langacker Ronald W. Foundations of Cognitive Grammar, Volume 1: Theoretical Prerequisites. –Stanford: Stanford University Press, 1987. –248 p.; Bittner M. Aspectual universals of temporal anaphora // Theoretical and Crosslinguistic Approaches to the Semantics of Aspect. – Amsterdam. John Benjamins, Chap. 11, 2007. –P. 349–385.; Talmy L. Toward a Cognitive Semantics, 2 vol. Cambridge, MA: MIT Press, 2000: –327p.

⁸ Yule G. Pragmatics. – Oxford: Oxford University Press, 1996. – 138 p.; Teun A. Van Dijk. Discourse and Power. Palgrave MacMILLAN. China., 2008. –304p.; Ashurova D.U. Text linguistics. -Tashkent. «Tafakkur qanoti», 2012. –200 p.; Сафаров Ш. Прагматингвистика. –Тошкент. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2008, –300 б.; Пирс Ч.П. Начала прагматизма. — СПб.: Лаборатория метафизических исследований философского факультета СПбГУ; Алетейя, 2000. — 352 с., Лайонз Дж. Лингвистическая семантика. Введение. - М.: Языки славянской культуры, 2003. - 400 с., Кубрякова Е.С., Александрова О.В. Виды пространств текста и дискурса // Категоризация мира: пространство и время. Материалы научной конференции. –М.: 1997. – С. 24-38.; Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. – Андижон, 2012. – Б. 212-220.; Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар. Филол. фан. док.дисс....автореф. – Тошкент, 2010 – 49 б.

когнитив, прагматик ва социолингвистик ўрганиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аспектualлик ва темпораллик ҳодисаларининг матнда фаоллашувини таъминловчи омилларни аниқлаш ҳамда матн мазмунини шакллантиришда прагматик-когнитив асосларининг ўрнини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аспектуаллик ва темпораллик билан алоқадор лисоний ҳодисаларнинг фрейм турларини аниқлаш ва уларни семантик гуруҳларга таснифлаш;

аспектуаллик ва темпораллик маъноларининг матнда ифодаланишининг нутқий ижодкорлик жараёни билан алоқадорлигини кўрсатиш:

инглиз ва ўзбек тилларида темпораллик майдонининг лексик ва грамматик сарҳадлари кўламини белгилаш;

темпорал бирликларнинг дейктик хусусиятларини белгилаш, уларнинг турларига доир тавсифий таҳлилларни амалга ошириш ва аспектualлик билан боғлиқ томонларини очиб бериш;

инглиз ва ўзбек тилларида аспектualликнинг матндаги лингвокогнитив мақомини белгилаш;

аспектуаллик ҳодисасининг когнитив, таркибий ва семантик тавсифини шакллантириш:

прототип назарияси асосида феълларнинг аспектual хусусиятларини аниқлаш:

аспектуалликнинг нарратив тузилмаларда ифодаланиш ҳолатларини фарқлаш:

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларида аспектual ҳамда темпорал мазмунни матн ва дискурсда воқелантирувчи лисоний ва нолисоний воситалар мажмуи танланган.

Тадқиқотнинг предмети аспектual ва темпорал ҳодисаларнинг ифодаланишида намоён бўладиган прагматик мазмуни ҳамда когнитив асосини аниқлаш, уларни инглиз ва ўзбек тиллари мисолида тавсифлаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Танланган мавзуни ёритишда дистрибутив таҳлил, фрейм-моделлаштириш, контекстуал ва тиллараро чоғиштириш таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

матнни мазмунан боғловчи бирликлар асосида аспектualликни ташкил этувчи бошланганлик, давомийлик, итеративлик, дуративлик, процессуаллик, тугалланганлик каби фрейм турлари аниқланиб, аспектualлик ва темпораллик маъноларининг дискурсив фаолиятда ўзига хос нутқий ижод жараёни сифатида намоён бўлиши исботланган;

аспектуаллик ва темпораллик майдонининг акционал, фреквентатив, итеративлик каби лексик ва замон, макон, тус грамматик категориялари ажратилиб, улардаги тил тизимининг луғавий қатлами бирликлари ҳамда

морфосемантик воситалари кўмагида, нутқий фаолият жараёнида воқеланиш хусусиятига эгаллиги далилланган;

инглиз ва ўзбек тилларида темпорал бирликларнинг анафорик, катафорик, экзофорик каби дейктик хусусиятлари таққосланган ва уларнинг матннинг яхлитлиги, бир бутунлигини таъминловчи вазифалари аниқланган, ўзаро фарқланиш усуллари ишлаб чиқилган ва дискурсив таҳлил жараёнига татбиқ қилинган;

аспектуалликнинг когнитив, таркибий, дискурсив ва концептуал сатҳлардаги тавсиф модели шакллантирилиб, ушбу моделларнинг қийсланаётган тил тизимлари доирасида ифодаланишида намаён бўладиган изоморф ва алламорф белгиларининг лингвомаданий мақоми асосланган;

когнитив тилшуносликнинг замонавий соҳаси бўлган прототип назариясининг амалий татбиқи асосида грамматик ва семантик мунозарага эга аспектиликни ташкил қилувчи унсурларнинг вазифавий моҳиятини далилловчи лисоний омилларнинг тасниф мезонлари ишлаб чиқилган;

аспектуал ва темпорал ҳодисалар нарратив матннинг мазмунан узвийлиги ҳамда боғлиқлигини таъминловчи восита эканлиги асосланган ва уларнинг прагматик фаоллашув кўлами очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларида аспектиалликнинг матнда воқеланиш ҳолатлари билан боғлиқ маъно турларини фарқлаш методикаси ишлаб чиқилган;

референция, темпораллик, дейксис, аспектиаллик, модаллик категориялари матнни шакллантирувчи омиллар сифатида қайд этилган;

матн ва дискурсдаги лисоний муносабатларни ўрнатувчи аспектиал ва темпорал ҳодисалар хусусиятлари мажмуавий-концептуал таҳлилини амалга ошириш истиқболлини шартловчи йўналишлар белгиланган;

тадқиқот хулосаларидан фойдаланган ҳолда инглиз тилида мулоқот кўникмаларини жадал шакллантиришга йўналтирилган тавсиялар таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланган ёндашув ва методлар, назарий маълумотларнинг расмий ишончли манбалардан олинганлиги, инглиз ва ўзбек тилларидаги изоҳли луғатлар, илмий ҳамда бадиий адабиётлардан фойдаланилгани, чиқарилган хулосаларнинг замонавий таҳлил усуллари ёрдамида асослангани, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти замонавий тилшуносликдаги прагмалингвистика, когнитив тилшунослик, матн лингвистикаси соҳалари таҳлил доирасига аспектиал ва темпорал ҳодисаларнинг воқеланиши, аспектиал дискурс, темпорал дискурс тушунчаларининг киритилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалардан матн лингвистикаси, замонавий лингвистик йўналишлар, назарий грамматика, дискурс таҳлили каби фанлар бўйича дарслик, ўқув қўлланма, монографиялар яратишда, магистрлик ва докторлик диссертацияларни ёзишда, шунингдек магистратуранинг филология йўналишида «Аспектология асослари», «Дискурс таҳлили» каби махсус курслар ташкил қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Замонавий тилшунослик йўналишлари ва матн лингвистикаси доирасида филология йўналишлари магистрантлари учун матннинг прагматик ва когнитив хусусиятлари мавзуларида маърузалар матни ва танлов фан сифатида ўтиладиган «Феъл семантикасини қиёсий ўрганиш» ўқув қўлланмаси тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аспектуаллик ва темпораллик мазмуни ифодасининг когнитив-прагматик асослари юзасидан олиб борилган тадқиқотлар асосида:

тил бирликларининг нутқий фаоллашуви ва матн мазмунини шакллантиришдаги иштирокини аниқлашга доир таклиф этилган усуллардан И–204-4-5 «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» инновацион лойиҳасида фойдаланилган (Олий таълим вазирлигининг 2018 йил 13 сентябрдаги 1404–сон маълумотномаси). Натижада, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш, таълим тизими жараёнини мустаҳкамлаш мақсадида яратилган ўқув услубий қўлланмалар, ўқув дастурлар ишлаб чиқишда янги таҳлилий методлар амалга оширилган;

инглиз ва ўзбек тилларида аспектуал ва темпорал ходисаларнинг ифодаланишида деривацион муносабатлар таҳлиliga доир хулосалардан ОТ–Ф8–062 «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий таълим вазирлигининг 2018 йил 13 сентябрдаги 1403-сон маълумотномаси). Илмий натижалар татбиқи деривацион муносабатларнинг нутқий намоён бўлишига оид хулосаларни янги қарашлар билан бойитган;

нарративликда тасвирий ифода, диалогларда акс этаётган воқеа-ходисаларнинг ўзаро алоқадорлиги, аспектуал маъноларнинг дискурс доирасидаги таҳлилларидан «Таълим тизимида хорижий тил (инглиз) йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумевропа компетенциялари (CEFR) бўйича С1 даражасини эгаллашни таъминлайдиган ўқув услубий мажмуа яратиш» амалий лойиҳасида фойдаланилган (Олий таълим вазирлигининг 2018 йил 13 сентябрдаги А-1-219-сон маълумотномаси). Натижада, хорижий тил (инглиз) йўналишидаги олий таълим муассасалари учун яратилган ўқув услубий мажмуаларга дискурс таҳлили усуллари киритилган;

матн шаклланишида лингвокогнитив хусусиятлар таҳлили, инсон ижтимоий қиёфасини тасвирлашнинг ўзига хос дискурс сифатида намоён бўлиши, дейктик семантикани инсон ижтимоий қиёфасини тасвирлашдаги

ўрни, матннинг когнитив, таркибий, дискурсив, концептуал тавсифи инсон ижтимоий қиёфасини ёритувчи восита эканлиги ҳақидаги таҳлиллардан ОТ–Ф8-002 рақамли «Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири» фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий таълим вазирлигининг 2018 йил 13 сентябрдаги 03/1804–сон маълумотномаси). Натижада, инсон ижтимоий қиёфаси когнитив, концептуал жараёнлар маҳсули сифатида олинган;

катта ва кичик авлод муносабатларида прагматик ёндашув таҳлили, катта авлод вакиллари тарбиялаш ва уларнинг психо-эмоционал жиҳатларидан ўрганишда тил прагматик вазифаларининг ўрни, нутқнинг когнитив, концептуал тавсифи ҳар бир авлод қиёфасини ёритувчи восита бўлиши ҳақидаги маълумотлардан ЁА-1-117 «Катта авлод вакилларининг комил инсонни тарбиялашдаги ўрни ва ролини оптималлаштириш имкониятларини илмий-амалий тадқиқ этиш» лойиҳасида фойдаланилган (Олий таълим вазирлигининг 2018 йил 29 ноябрдаги 89-03-4130–сон маълумотномаси). Натижада тилнинг прагматик-когнитив омиллари катта ва кичик авлод вакиллари ўртасидаги мулоқот самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

тадқиқотдаги умуминсоний қадриятлар барча халқларга хос бўлган когнитивлик маҳсули сифатида воқеланиши, ҳар қандай миллий қадрият лингвокогнитив хусусиятларда акс этувчи бирлик сифатида намоён бўлиши, ижтимоий-педагогик жараён бевосита лингвопрагматик хусусиятларда ифодаланиши билан боғлиқ ҳодисалар таҳлили бўйича маълумотлардан А-1-17 рақамли «Инсон капиталини ривожлантиришда миллий ва умуминсоний қадриятларининг ўрни ва ролининг ижтимоий-педагогик жиҳатларини илмий-амалий тадқиқ этиш» амалий лойиҳаларида фойдаланилган (Олий таълим вазирлигининг 2018 йил 29 ноябрдаги 89-03-4130–сон маълумотномаси). Натижада, миллий қадриятлар лингвокогнитив хусусиятлар билан узвий боғлиқликда амал қилиши борасидаги қарашлар билан бойитилган;

диссертациянинг субъект ва унинг фаолияти, субъект ва унинг ҳаракати, субъект ҳолатининг ўзгариши, субъект ҳаракатининг миқдори, субъект ҳаракатининг сифатий хусусиятлари билан боғлиқ натижаларидан Самарқанд давлат телерадио-компаниясининг «Самарқанд оқшомлари», «Таълим ислохотлари амалда» каби ўқув маърифий ҳамда илмий-оммабоп телекўрсатувлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йил 22 декабрдаги 09-01 540–сон маълумотномаси). Натижада, ушбу кўрсатувлар оммабоплиги таъминланган;

диссертациядан ўрин олган дискурс таҳлили материалларидан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистондаги Британия кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш дастурида фойдаланилган (Британия кенгашининг 2019 йил 6 сентябрдаги ОС-1632–сон маълумотномаси).

Натижада, инглиз тили кўникмаларини баҳолаш тизими такомиллаштиришга хизмат қилган;

мулоқатда прагматик муносабат, шахсинг сифатий хусусиятларини шакллантириш натижаларидан Micromine компаниясида ташкил этилган офис ишчилари мулоқот этикети дастурида фойдаланилган (Micromine Pty Ltd компанияси ваколатхонасининг 2019 йил 28 августдаги 213-сон маълумотномаси). Натижада компания ходимлари мулоқотида прагматик муносабат хусусиятлари бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика анжуманида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 илмий иш чоп этилган, шундан, 1 та монография ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 мақола, шу жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 265 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазибалари, янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти асосланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Прагматика ва матн семантикасининг ўрганилиш асослари»** деб номланган бўлиб, унда жаҳон ва ўзбек тилшунослигида матн, унинг прагматик хусусиятлари юзасидан билдирилган муносабатлар таҳлилий ўрганилган ҳамда улар янги назарий фикрлар билан бойитилган. Замонавий тилшуносликда матн ва матн семантикаси, тилнинг прагматик хусусиятларини тадқиқ этишга лингвомаданиятшунослик, когнитив тилшунослик, прагмалингвистика ва бошқа соҳаларда кенг эътибор қаратилмоқда. Прагматика лингвистик кўламда сўзловчининг 1) моддий борлиққа; 2) хабарнинг мазмунига; 3) адресат (тингловчи)га бўлган муносабатини ифодалар экан, мулоқот шароитида намоён бўладиган коммуникатив мазмун (ишонч, ишончсизлик, қатъият, қатъиятсизлик, кўркув, гумон, ҳадик, хурсандлик ва бошқалар), луғавий бирликлардан фойдаланиш, новербал воситаларни қўллаш каби унсурларнинг аҳамиятини қайд этади ва коммуникантлар ҳақида қўшимча

хабар беради. Тил бирликларининг прагматик вазифаси контекст, нутқий вазият, сўзлашувчиларнинг тил кўникмалари ва нутқ объекти ҳақидаги умумий билимлари билан боғлиқ тарзда юзага чиқади. Нутқий мулоқотда прагматик мазмуннинг ойдинлашувида нутқий вазият, сўзловчи ва тингловчининг ақлан ва руҳан яқинлиги каби омиллар ҳам иштирок этади. Муҳими, ушбу мазмун воқеланишини таъминловчи асосий омиллар матнда фаоллашади.

Тадқиқотчилар, матн ҳодисасининг лисоний кўрсаткичларини ажратаётиб, унинг категориал белгиларга эгалигини таъкидлайди. Тилнинг функционал категориялари матннинг қуйи категорияларини ифодаловчиси сифатида хизмат қилади: 1) хронотоп категорияси (темпораллик ва локативлик категориялари боғлиқлиги натижасида ҳосил бўлади); 2) координат категорияси (локатив, шахс, темпорал категориялар ҳамкорлигида юзага келади); 3) дейксис категорияси (темпорал, локатив, шахс ва референт категорияларининг бевосита боғлиқлиги кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади); 4) нуқтаи назар категорияси (темпорал, локатив, шахс, референт, модаллик каби функционал категорияларнинг алоқадорлигини намоиш этувчи категория сифатида баҳоланади)⁹. Матн грамматикаси матннинг таркибий, семантик интеграцияси, лексик-грамматик боғланиши, композицион таркиби, унинг таркибидаги гапларнинг узвийлиги, тил бирликларининг матнни шакллантирувчи вазифаларини қамраб олади. Ўз навбатида, матн доирасидаги ҳодиса ёки жараёнларнинг аниқ кечими маълум темпорал ва аспектual семантика билан бевосита алоқадор тарзда ўрганилади.

Умуман, прагматика тилнинг амалий қўлланиш жиҳатларини нутқий вазият билан яхлитликда ўрганади. Инглиз тилшуноси С.К. Левинсон тилдан амалий фойдаланишда (language usage) муҳим ўрин тутадиган омилларни ўрганиш кераклигини таъкидлайди¹⁰. Хусусан, прагмалингвистика тил ва контекст муносабати билан (грамматикаллашган, яъни тил структурасида кодлашган, дейксис, пресуппозиция, нутқ актлари) шуғулланадиган фан соҳаси сифатида кенг тарқалмоқда. Айни пайтда, социолингвистика ва психолингвистикага оид масалаларни ҳам қамраб олмоқда. Прагматика контекст ва нутқий ҳаракатлар, гап алоқадорлигида ифодаланадиган мазмун ва уларнинг турлари билан боғлиқ маъноларни ўрганади.

Гап ва матнда намоён бўладиган семантик асосларни аниқлаш муҳим саналади. Семантик кўрсаткич гап, матнда иштирок этувчи бирликларнинг лисоний хусусиятлари воситасида шакланса, прагматик жиҳат эса нутқий вазиятда намоён бўлади. Бунда мулоқот иштирокчиларининг коммуникатив интенцияси, ижтимоий ва психологик шароити, вақт- маконда жойлашуви, психо-эмоционал шароити кабиларни қамраб олади. Матннинг семантик тузилиши темпорал ва аспектual таркиб билан узвий боғлиқ. Аспектual

⁹ Земская Ю.Н., Качесова И.Ю., Комиссарова Л.М., Панченко Н.В., Чувакин А.А. Теория текста. учеб. пособие / –М.: Флинта, Наука, 2010. –С 72.

¹⁰ Levinson S.C. Pragmatics. – Cambridge: Cambridge University Press, 1984. – P 113.

таркиб асосан перфект ва плюсквамперфект кўраткичларидан иборат бўлиб, грамматик аспект шаклига қарашли категория деб қаралади. Матн контекстуал унсурлар ёрдамида шаклланади ва ушбу элементларни феъл ва унинг тўлдирувчиси, равишлар, темпорал бирликлар, замон шакллари, модал муносабатни англатувчи унсурлар, дейктик иборалар, аспектиал кўрсаткичлар ташкил қилади. Матннинг темпорал таркиби тил бирликларини боғловчи, вақт маънолари ифодасини қамраб олувчи, функционал ҳамда семантик умумийликни бирлаштирадиган муносабатлар тўпламидан иборат.

Дискурс дейксиси нутқий фаолиятнинг бир кўриниши сифатида лисоний, миллий-маданий жиҳатларни акс эттириш хусусиятига эга. Дейксис матн доирасида маънолар узвийлигини таъминлаш билан бир қаторда, воқеа-ҳодисаларнинг содир этилаётган вақт ва маконини кўрсатиш вазифасини ҳам бажаради. Матнда намоён бўладиган *темпорал дейксис*, *макон дейксиси*, *шахс дейксиси* категориялари матннинг ички грамматик ва семантик тузилишини таъминлайди.

Матннинг информативлиги унинг сифат кўрсаткичидир. Матн доирасидаги маълумотлар ифодаланишининг нутқ вазияти билан алоқадор бўлган «вақт» ва олинган маълумот вақти билан ҳам бевосита боғлиқлик жиҳатлари мавжуд. Мана шу боғлиқлик бериладиган маълумотларнинг замон ва аспект грамматик категориялари доирасида ифодаланишини таъминлайди. Матн доирасида вазият ва ҳодисаларнинг кечими замон, темпораллик, аспектиаллик каби сатҳларда кўринади. Матндаги ҳар бир предикат таъкидланган сатҳларнинг бирига тегишли бўлади. Хусусан, бериладиган маълумотлар тугалланган, тугалланмаган, статив, итератив, процессуал, финитив, инхоатив ва шу каби аспектиал кўринишда бўлиши мумкин. Замон доирасида ўтган, ҳозирги, келаси воқеликка таалуқли маълумотлар ўрин эгаллайди. Темпораллик эса маълумотларни маълум вақт оралиғига жойлаштириш учун хизмат қилади.

Прагматика ва семантика маъно ҳодисасининг турли аспектиларини тадқиқ этиши билан фарқланади. Семантика лисоний ибораларнинг контекстуал ва ўзгармас маънолари билан шуғулланса, прагматика мулоқот муҳитидаги нутқий вазиятларнинг табиатини белгиловчи омилларнинг мазмун ифодасига таъсирини тадқиқ этади. Прагматик таҳлилда дейктик бирликлар муҳим ўрин тутаяди. Улар нутқ вазиятидаги маълум субъект ва у томонидан бажариладиган ҳаракатларнинг семантик кўрсаткичи вазифасини бажаради. Дейксис прагматик таҳлилда назарий жиҳатдан эмпирик марказ ҳисобланади.

Матн дейксисининг икки хил, яъни анафорик ва катафорик ҳолатларда иштирок этиши учраб туради. Мазкур дейксис турлари темпорал, макон, модал ва аспектиал маъноларни аниқлашга хизмат қилади. Аспектиал оппозиция хусусиятлари дискурда, айниқса, нарративликда муҳим ўрин тутаяди. Имперфектив ёки перфектив шаклларнинг танлови матндаги турли ҳаракатлар хронологик алоқалари шаклланишига таъсир этади. Улар нарратив вазиятларда таксис муносабатларини ҳосил қилади. Санкт-

Петербург аспектологларининг таъкидлашича, «грамматик аспект замонга қарама-қарши ҳолда нутқ вазиятидаги ташқи дейктик боғлиқликка қарам эмас. У фақат воқеа-ҳодисаларнинг ички темпорал хусусиятларига референция вазифасини ўтайди»¹¹. Функционал лингвистикада функционал-структураллилик, жараён-натижа, динамиклик-турғунлик, фаоллик каби дискурс мезонларини белгилашда ҳодисалар қарама-қаршилигига асосланган ёндашув етакчилик қилади. Шунга кўра «матн-натижа» тузилиши ва «дискурс-жараён» сифатида кўринишлари ўзаро мувофиқ келади.

Дейктик бирликларнинг умумқабул қилинган хусусиятларига *ситуативлик* (мулоқот вазиятининг мазмуний боғлиқлиги), *субъективлик* (сўзловчи ёки нутқ соҳибининг ажратиб кўрсатилиши), *темпораллик* (воқеа-ҳодиса, вазиятларнинг содир этилаётган вақтига аниқлик киритувчи бирликлар) киради.

Дейксиснинг матн доирасидаги таҳлили унинг семантик хусусияти ва амалий қўлланиши имкониятларининг кенглигини кўрсатмоқда. Матн дейксиси унинг формал кўрсаткичлари билан бевосита алоқадор. Хусусан, у матн доирасида нутқдан олдинги, тенг, кейинги нутқий ифодаларга ишора вазифасини бажариши баробарида, матн таркибининг ажралмас бўлаги ҳам ҳисобланади. «Дейксис – бу нутқнинг вазият билан боғлиқ бўлган вақт, нутқ вазиятидан олдинги ёки кейинги вақт, сўзловчининг нутқ вазияти билан алоқадор вақтда жойлашуви, шахснинг макони таҳлилларини қамраб оладиган тил бирликларини номлашдир»¹². Матн шаклланишида дискурс дейксиси муҳим ўрин тутаяди, чунки, муаллиф томонидан қўлланиладиган ҳар бир дейктик бирлик матн мазмунини очиқ беришда унинг грамматик, семантик ва синтактик ташкил этилишида маълум вазифани бажариб келади. Жумладан, шахс дейксиси тавтологик қўлланишнинг олдини олса, темпораллик дейксиси вазият, воқеа-ҳодисаларни замон, вақт доирасида тўғри тақсимланиши, қўлланишини таъминлайди ва семантик-синтактик боғлиқликда бош вазифани ўтайди.

Дискурс дейксиси эса нутқ фаолиятининг бир кўриниши сифатида миллий-маданий жиҳатларни кўрсатувчи восита саналади. Шу билан бирга, дискурс дейксиси матн ва вазият боғлиқлигини ҳам таъминлайди. Демак, дейксис матн доирасида маънолар узвийлигини таъминлаш билан бир қаторда, воқеа-ҳодисаларнинг содир этилаётган замон ва маконини ҳам кўрсатади.

Нарратив дискурс лексик таркиб ва синтактик структуранинг лингвистик мазмун билан ҳам боғлиқ бўлишини талаб қилади. «Чунки лексик бирликлар ва синтактик таркиб у ёки бу муносабат хусусиятларини ҳам қамраб олади. Мазкур муносабатлар трансформацион сатҳдаги барча муносабатлар тартибини ўзига бўйсундиради: 1) нарративлик намойишидаги

¹¹ Оглоблин А.К. Храковский В.С. Петербургская типологическая школа // Международная конференция, посвященная 50-летию петербургской типологической школы: Материалы и тезисы докладов. СПб.: Нестор-История, 2011. – С. 13.

¹² Fillmore Ch. Deictic Categories in the Semantics of «Come» // Foundations of Language. International Journal of Language and Philosophy. Vol. 2, N. 3., USA, 1966. – P. 8.

тил синтагмаси; 2) нарративлик композицияси; 3) ҳикоянинг тематик синтагмаси»¹³. Нарративликнинг грамматик шаклланиши темпорал ва аспектуал хусусиятлар билан бевосита алоқадор. Мазкур тушунчалар нарративлик доирасида баён қилинаётган вазиятлар кетма-кетлиги, ҳаракатнинг қай йўсинда кечиши, вақт ва маконда жойлашувини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Нарративлик доирасида дейктик бирликлар референция вазифасини бажаради. Жумладан, темпорал дейксис ёрдамида нарративликда бир қатор турли кўринишдаги вақт референциялари ўрнатилади.

Диссертациянинг «**Аспектуалликнинг семантик ва когнитив-дискурсив тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида аспектуал маъноларни ўрганилиш анъанасига диққат қаратилган. Аспектуалликни тадқиқ этишдаги ёндашувлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, аспектуалликнинг когнитив асослари ҳамда аспектуал маъноларнинг матн шаклланишидаги ўрни белгиланган.

Аспектуаллик ҳодисасининг тадқиқи тилнинг структурал кўринишига асосланган ҳолда турли йўналишларда амалга оширилган. Жумладан, рус тилшунослигида (Ю.С. Маслов, А.В. Бондарко, А.М. Пешковский, Б.М. Балин, Л.Л. Буланин, М.А. Шелякин ва бошқалар) аспектуал маънолар тадқиқи феъл тизими доирасида олиб борилади. Бунга кўра аспект феълнинг грамматик ва семантик хусусияти сифатида алоҳида грамматик «вид» категорияси ва «ҳаракат тарзи» семантик категорияси ажратилиб ўрганилади. Шунингдек, феълларни чегараланган ва чегараланмаган гуруҳларга ажратиш ва шу асосда аспектуал маъноларни аниқлашга ҳам кенг эътибор қаратилади.

Ғарб тилшунослигида аспектуал маъноларни тадқиқ этишда ҳам турли ёндашувлар мавжуд. Инглиз тили перфект ва прогрессив феъл шакллари аспект сифатида тан олинади¹⁴, аммо уларни оппозиция қаторига қўйишда кўп ноаниқликлар мавжуд. Бундан ташқари, аспектуалликнинг семантик хусусиятларини белгилашда асосий эътибор З. Вендлер ишлаб чиққан акционсарт турларига қаратилади. Олимнинг таснифича, феъллар 1) фаолият ёки гомоген жараёнлар – ноаниқ вақт бўлаги билан боғлиқ давомий ҳаракатни англатувчи феъл ва феълли бирикмалар гуруҳини *Activities* турига киради, масалан: *running*; 2) маълум вақт бўлагида ҳаракатда бўлган ҳодисанинг натижасини ифодалаш учун қўлланадиган феъллар ва феълли иборалар *accomplishments* туридан ўрин олади, масалан: *running a mile*; 3) муайян вақт билан боғлиқ бўлган бир лаҳзалик, ҳаракатнинг якуний нуқтасини билдирадиган ҳодисалар ва уларнинг натижаси *Achievements* турига киритилади: *reaching the top*; 4) ноаниқ вақт бўлагидаги давомий ҳолатлар, жараёнлар (*to know, to resemble* кабилар) *states* гуруҳида таснифланади. Аммо аспектуалликни когнитив нуқтаи назардан тадқиқ этган R.W. Langacker, C. Smith, W. Croft, Г. В. Белошапкина ва бошқалар лексик ва грамматик аспект ўртасидаги фарқни кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

¹³ Шмид В. Нарратология. –М.: Языки славянской культуры, 2003. – С. 184.

¹⁴ Comrie B. Aspect. An Introduction to the Study of Verbal Aspect and Related Problems. – Cambridge, 1976. –P 46.

Жумладан, С. Smith ва W. Croft ‘*situation aspect*’ ва ‘*viewpoint aspect*’ турларини фарқлашни таклиф этадилар. Улар ‘*situation aspect*’ тушунчасини лисоний ифоданинг воқеавийлик ва ҳолат ўртасидаги муस्ताқил когнитив фарқлари таҳлилига нисбатан қўллаб, ‘*viewpoint aspect*’ атамасини перфективлик ҳамда ноперфективлик тушунчалари билан боғлашади ҳамда тилдаги махсус маънолар ва воқеа- ҳолат ўртасидаги фарқларни грамматик воситага боғлиқ деб тушунтирадилар¹⁵.

Феълнинг аспектual семантикаси тил бирликларининг бир-бирига мослашишига бевосита таъсир ўтказиш баробарида, иштирок этадиган компонентлар орқали матн таркибининг мазмунан ва мантиқан боғлиқлигини таъминлайди.

Аспектualлик прагматик жиҳатдан ифодаланадиган ҳар бир семантик таркибнинг ўзига хос бирикувиға асосланган ҳолда талқин этилади. Мисол учун «субъект ва унинг бирор объектга йўналмаган ҳаракати» муносабатининг тасвири бир неча вариантларга эга. Мазкур семантик структуралардан биринчиси «субъект ва унинг конкрет фаолияти» бўлиб, унда қуйидаги аспектual маънолар юзага келади: *бошланиш, давомийлик, тугалланиш, карралик, итеративлик (такрорланувчанлик)*.

Аспектual семантика дискурсда, асосан, нарратив вазиятларда муҳим ўрин тутди. Перфектив ва имперфектив шакллар матнда тавсифланадиган турли ҳаракатларнинг хронологик алоқадорлиғига таъсир этади. Аспектual маънолар дискурсда аниқ тарзда воқеланади. Аспектualликка ишора қиладиган вазият тури ҳақидаги маълумот дискурсда «реал борлиқ» тарзида намоён бўлади.

Феъл семантикаси тадқиқига янгича ёндашув орқали ундаги маъно махсус когнитив амал, яъни концептуаллаштириш ёрдамида аниқланади. Бунда ҳар бир парчада ифодаланадиган концептнинг, турлича эканлиги кўзга ташланади.

Нарратив матнда воқеа-ҳодисалар кечими такрорий вазиятларни ҳам ташкил этиши мумкин. Мазкур ҳолда такрорланувчанлик феъл семантикаси (мультипликативлик) ва бошқа маъно бирликлари (итеративлик) ёрдамида ҳосил бўлади. Мисолларга эътибор қаратамиз:

She shivered, then cursed herself. Allowing her discomfort to show would draw the very attention she wanted to avoid (Allison Lane, 4). Tears stung her eyes, but she forced them back. She shuddered, but picturing his solidity soon brought her emotions under control (Allison Lane, 11). Miss Anders sniffed, dismissing Lady Tewsport's delight and Miss Havershoal's megrims (Allison Lane, 8); Омоннинг кравати гижирлаб менга уйқу бермас эди. Дам ўтмай ўрнидан туриб, инграб ташқарига чоғиб чиқиб келар эди (Ғ.Ғулом, 225).

Келтирилган мисолларда мультипликатив феъллар ҳаракатнинг қисқа кўринишда содир бўлганлигини англатган. Уларнинг вазиятлардаги карралик семантикаси морфологик ва лексик белгиларга, замон шакллари эса, матндаги бошқа кўрсаткичларга боғлиқ бўлиб қолади. Жумладан, *knocked*

¹⁵ Smith C.S. Modes of Discourse. The Local Structure of Texts. – Cambridge: CUP, 2003. – P. 93.

(*several times*) coughed (*several times*) шакллари такрорий актларни ифодалаб, мультипликатив феълнинг прогрессив шаклда қўлланиши қисқа карралик ҳаракатларнинг вақт доирасидаги давомийлигига ишора қилади: *was knocking*. Бир карралик акт эса *gave a knock, gave a cough* каби махсус бирикмалар ёрдамида ифодаланади. Ўзбек тили мисолида итеративлик *чиқиб келар эди* феълнинг аналитик шаклига юклатилган. Ушбу ҳаракатлар феълнинг лексик хусусияти ҳисобланади, аммо уларнинг матндаги қўлланиши такрорий актларнинг бир бутун ходисасидир.

Қуйидаги мисолда маълум вақт оралиғида турли вазият ҳамда аспектиал ходисаларнинг ифодаланишини кузатиш мумкин: 1) *Catherine escorted her* (АХ¹⁶1, дуратив, чекланган предикат) *to the sideboard, chattering happily. Craig scanned the crowd* (АХ2, натижавий, чекланган предикат). *Most eyes swiveled* (АХ3, натижавий, чекланган предикат) *between the outraged dowager and Catherine's pleasure. Others compared Mrs. Fairlawn's obvious gentility to his own monstrous appearance, apparently deciding that a delectable widow would hardly conduct an affair with a man so deformed* (Allison Lane, 63). 2) *Мен сесканиб тушдим* (АХ1, марталик ҳаракат, чекланган предикат), *ҳамма хаёлни бир чеккага йиғиштириб қўйиб* (АХ2, чекланган предикат), *жиндек илжайдим* (АХ3, чекланган предикат) (Ғ. Фулом, 144).

Берилган мисолдаги нарративликда алоҳида ходисаларнинг тугалланганлиги ифодаланган. Тугалланганлик семантикаси феълнинг акционал хусусияти билан ҳам боғлиқ. Тус-замон шакллари таркиби матннинг мантиқий моҳияти бир-бирига боғланишини таъминлаш учун хизмат қилган.

Нарративликда воқеа-ходисалар, вазиятлар бир вақтда содир бўладиган ходиса сифатида қаралиши мумкин. Улар каузация ёки бошқа шундай омилларга боғлиқ бўлади. Масалан: 3) *The argument behind the carriage was growing louder. Two men marched their daughters into the abbey* (каузативлик, чекланган натижавийлик), *but a dozen others emerged, enlarging the crowd. A matron swooned. Another fell into hysterics* (натижавийлик, чекланган). *She could no longer see Westlake through the press. The shoving to reach his side grew more violent* (инхоативлик, чекланмаган) (Allison Lane, 97).

Қуйидаги мисолда нарратив маъно кетма-кет бўлмаган, алоҳида ходисалар ҳақидаги маълумотни сақлаган: *Баъзан иш билан, баъзан мажлислар билан, гоҳида улфатчилик билан уйга кеч қайтардим* (итератив, чегараланган). *Бир куни Намангандан меҳмонлар келиб қолишди* (масодифий вазият, тугалланганлик). *Уйга боришга кўнмай ўзимни ресторанга судрашди. Ярим кечгача қолиб кетдим* (дуративлик). *Уйга қайтганимда кайфим бор эди* (ҳолат, мавжудлик). *Дарвозани онам очди* (тугалланган бир карралик). *Совуқда муштдеккина бўлиб дилдираб турибди* (давомийлик, чегараланмаган) (Ў. Ҳошимов, 8).

Келтирилган матнда тил структуралари нарратив тарзда тузилганлиги билан ҳар хил турдаги аспектиал маълумотларни жамлаган. Биринчи гапдаги

¹⁶ АХ- аспектиал ходиса (асспектиал маъно турларига нисбатан олинган)

хабитуал маъно шахсий тажрибаларга асосланган итератив маънони ифодалаган. Бу ерда хабиутал (одатий тусга айланган) маъно морфологик белгига асосланган. Зеро, кўмакчи феъл ва *-ар* кўшимчаси мазкур маънони англатиш учун хизмат қилган. Кейинги гапдаги *келиб қолишди* аналитик шакли субъект ҳаракатининг тасодифайлигини англатиб, терминатив (яқунланган) аспект уал маънони ҳосил қилган. Кейинги ўриндаги «*қолиб кетдим*» дуратив маънони билдирган. Охирги гапдаги «*турибди*» бирлиги кузатувчи кўз ўнгида содир этилаётган давомийликни ифодалаган. Тил структураларининг фарқланиши улардаги аспект уал маъноларнинг берилишига ҳам таъсир этади. Матнларнинг ички таркибий кўрсаткичлари матн қисмларининг бир-бирига тобелигини кўрсатади. Умумийлик матннинг концептуал хусусияти ҳисобланади.

Аспект уал ифода нарратив тузилмаларда муҳим ўрин туттади. Матнда берилган турли ҳаракатлар хронологик алоқалари таҳлили перфектив ва имперфективлик ҳодисасини юзага келтиради. Нарратив матнда Present Simple қўлланиши тасвирланган воқеа-ҳодисаларнинг ҳар бирини перфектив ҳодиса сифатида қаралиши мумкинлигини кўрсатади. Масалан: *Kewell runs across the field and passes the ball. Cahill scores.*

Келтирилган мисоллардаги феълларнинг барчаси перфектив маънога эга бўлиб, воқеа-ҳодисаларнинг мослашувини кўрсатади. Уларда турли ҳаракатлар кетма-кет содир этилган. Содир этилган жараёнларни тасвирлаётган феъл маъноларининг фарқланиши темпорал тартибнинг фарқланишига ҳам сабаб бўлган. Имперфектив феъллар ҳаракатларнинг бир вақтда содир этилишини билдиради. Масалан: *Cahill was scoring, Kewell was running and Kennedy was fixing his boot*¹⁷.

Когнитив тилшуносликнинг мақсади воқеликни англаш, категориялаштириш, билимнинг концептуал механизмларини очиб бериш бўлиб, тилни ахборотни кодлаш ва ифодалаш воситаси сифатида ўрганати. Тил ташқи ва ички оламдаги нарса-ҳодисаларнинг лисоний воқеланиши ва нутқда акс этиши, бошқача айтганда, оламнинг лисоний тасвиридир. Ташқи ва ички дунёдаги нарса-ҳодисаларнинг конкрет тилда акс этиши «оламнинг миллий тилдаги тасвири», деб аталади¹⁸. Бундай тасвир жараёнида вақт, замон, макондаги воқеа-ҳодисаларнинг кечими муаллиф ёки кузатувчи нуқтаи назаридан «сканерлаш» амали ёрдамида белгиланади. «Сканерлаш» тушунчаси бевосита инсон онгидаги когнитив жараёнларга алоқадор ҳодиса сифатида Р. Лэнгакер томонидан киритилган¹⁹. «Сканерланган» ҳодисалар ёки вазиятларни рамзий асос сифатида тасвирлаш орқали ментал тасаввур пайдо қиладиган когнитив жараёнларнинг асосий усули ҳисобланади.

«Сканерлаш» ўз мезонларига эга бўлиб, унинг амаллари тизимли хусусиятга эга ва бунга сабаб тизимдаги маълум йўналишни, ҳодисани

¹⁷ Riemer N. *Introducing Semantics*. – Cambridge: Cambridge University Press. 2010 –P. 308-330.

¹⁸ Юсупов Ў.Қ. Тилшуносликдаги янги йўналишлар хусусида // Тилшуносликдаги янги йўналишлар ва уларнинг муаммолари. Илмий-амалий семинар материаллари. –Тошкент, 2013. – Б. 254.

¹⁹ Langacker R.W. *Foundations of Cognitive Grammar, Volume 1: Theoretical Prerequisites*. –Stanford, CA: Stanford University Press. 1987. – P. 144.

бевосита кузатувчи аниқлайди. Бирор бир вазиятнинг концептуаллашиши ва идрок қилиниши ҳолатнинг вақт давомида ўзгаришини аниқлашга асосланади. «Сканерлаш» кўлами воқеа-ҳодисани бевосита кузатувчининг маълум вазиятни ифодалашдаги қамровига боғлиқ. Шунинг учун ҳам аспектиалликнинг когнитив талқинига «кенг қамров» ва «қисқа қамров» атамаларини киритишни жоиз деб билдик. «Қамров» тушунчаси бевосита кузатувчи ёки ифода этувчининг вазиятни қай даражада тасаввур қилиши ва лисоний воқелантириши билан боғлиқ саналади. Шунингдек, «қамров» объектнинг миқдорий кўрсаткичларига ҳам асосланади. Жумладан, объект миқдорининг кичиклиги қисқа қамровга эга саналиб, одатда, чегараланган предикат ёки бир бутун тугалланган вазият сифатида қаралиши лозим. Кенг қамров ва қисқа қамров объектнинг миқдорий кўламига нисбатан қарама-қарши қўйилади: «сўзни ўқимоқ» (қисқа қамров) – чегараланган, терминатив жараён, «китобни ўқимоқ» (кенг қамров) – чегараланмаган, давомли жараён. Сўзни ёки иборани ўқиш мантиқан узоқ вақт талаб қилмайди, аксинча бир ҳаракат билан амалга оширилади ва бу ҳаракат яхлит фаолият сифатида ўз ниҳоясига етади. Китобни ўқиш жараёни эса маълум вақт талаб қилади. Зотан, уни бир ҳаракат билан амалга оширишининг иложи йўқ. Натижада, давомли вазият, жараён юзага келади ва у кенг қамровга эга бўлади. Равшанки, аспектиал маънонинг бир феъл мисолида фарқланиши бевосита тўлдирувчининг миқдорий кўрсаткичларига боғлиқ. Бу каби ёндашув анъанавий аспектиалогик тадқиқотларда кенг тус олган феълларни чегараланган/чегараланмаган гуруҳларга ажратиш орқали таҳлил этиш усулидан фарқланади.

Аспектиалогик мазмун тўлиқ грамматик шаклга эга бўлган рус тилида «читать слово» бирикмасини қўллаш мантиқсиз туюлади ва бу ерда бевосита семантик ва грамматик шакл уйғунлашуви талаб қилиниб, «прочсть слово» тузилмасига эҳтиёж туғилади. Мазкур ҳолатда ўтимсиз, яъни объект талаб қилмайдиган феъллар орқали вазиятларни кенг ва қисқа қамров турларига ажратиш имконияти қай даражада эканлиги ва унда асос сифатида қайси тил бирликлари муҳим ўрин тутишини аниқлаш лозим. Бу масала бевосита вақт ва макон кўрсаткичлари ёрдамида ҳал этилиши мумкин. Масалан, макондаги қисқа қамров маконнинг қисқа ўлчамда берилиши (*бир чақирим, ўн метр ва ҳақозо*), макондаги ҳаракатнинг саналиши (*бир неча қадам*), макондаги ҳаракатнинг вақт бирлиги билан чекланиши (*бир соат*) воситасида ифодаланади. Шунингдек, «сканерлаш» жараёнида масофа ўлчов бирликлари, темпорал бирликлар аспектиал вазиятларнинг турларига аниқлик киритади. Айнан темпорал бирликлар вазиятларнинг дуративлиги (узвий), давомий ёки тугалланганлигини аниқлашда муҳимдир. Мазкур ҳолатни макон ва ҳолат ўзгаришини ифодалайдиган вазиятларда кузатишимиз мумкин: *stay for a moment, remain for a moment, walk a few hours (a few meters)* ва бошқалар. Албатта, «вазиятларнинг қисқа дуративлиги узоқ дуративлигига қараганда тугалланган ҳолат сифатида баҳоланади»²⁰. Ҳолатнинг ифодаланиши кўплаб аспектиалог тилшунослар томонидан

²⁰ Wolfgang K., Li P. The Expression of Time. –Berlin.: Walter de Gruyter, 2009. – P. 225.

«давомли», «чегараланмаган», «имперфектив» деб тасвирланса-да, вазиятнинг ўзгариши ҳамда макон ва вақт кўрсаткичлари таъсирида чегараланган вазиятни ҳам англатиши мумкин.

Бу вазиятлар ифодавий (summary) «сканерлаш» ва кичик кетма-кет (sequential scanning) сканерлаш кўринишларида фреймлашади²¹. Қуйидаги мисолларга эътибор қаратамиз: *They take to their heels. The policeman saw a man halfway down the block running to catch a car. With drawn club he joined in the pursuit. Soapy, with disgust in his heart, loafed along, twice unsuccessful* (O' Henry, 34); *Шапкали киши «уф» тортиб бош чайқади. Эргаи сельсоветнинг ёнбошида ўтирган ингичка мўйловли одам санчиб ўрнидан турди. Бир нима демоқчи бўлди-ю, шапти пасайиб қайтиб ўтирди* (Ў.Ҳошимов,60); *Илхом чойхоначи тунука карнайни кўтараман деб қўлини куйдириб олади, карнайни тарақлатиб ерга ташлайди-да, зўр бериб, дудбуронни пуфлайди. Йўтала-йўтала нари кетади* (Ў.Ҳошимов, 18).

Шахсларнинг алоҳида ҳаракатларини тасвирловчи *the policeman saw a man, he joined in the pursuit, Soapy loafed along, бош чайқади, санчиб ўрнидан турди, қайтиб ўтирди, куйдириб олади, нари кетади* шакллари «сканерлаш» ёрдамида алоҳида кетма-кет тугалланган ходисалар сифатида қабул қилинмоқда. Кузатувчи вазиятни сканерлаши орқали олинган маълумотни адресатга етказмоқда ва ушбу сканерлаш ҳаракати гапдаги нафақат дуративлик маъносини, балки предикат билан ифодаланган вазиятнинг сабаби, вазият содир этилаётган макон хусусидаги маълумотларни ҳам қамраб олган.


Прототип семантика ва когнитив грамматика доирасида тил бирликлари инсоннинг ментал ва коммуникатив фаолиятини тасвирловчи бирликлар сифатида тушунилади²². Аспектуал назарияда феълнинг ҳаракат белгилари ва ҳолат семантикаси қарама-қарши қўйиб ўрганилади. Шунинг учун ҳам аспектуалликни прототип назарияси билан боғлаш, яъни аспектуал маънони ҳосил қиладиган бирликларнинг умумий ва хусусий жиҳатларини аниқлаш қўл келиши мумкин.

Аспектуал маънолар тадқиқида феълларни чегараланган/чегараланмаган хусусиятлари муҳим, қолаверса, барча тиллар мисолида феълларни мазкур турларга ажратиш мумкин. Шу асосда прототиплик тамойилини айнан феълларнинг чегараланганлиги ва чегараланмаганлигига нисбатан қўллаш ҳам самара бериши аниқ. Маълумки, феъллар ўз табиий тугалланиш семантикасига эга бўлса, улар чегараланган саналади, мазкур белги йўқ феъллар чегараланмаганлик нисбатини олади. Феълларнинг чегараланган/чегараланмаган хусусияти прототип сифатида қаралса, уларнинг даражаланиши ифодаланадиган аспектуал маънолар билан таққосланади ёки изоҳланади. Ушбу изоҳнинг тасвирини қуйидаги чизмада кўришимиз мумкин:

²¹ Langacker, Ronald W. Theoretical Prerequisites, «DescriptiveApplication». – Stanford, CA: Stanford Univ. Press, 1991. –590 p.

²² Кубрякова Е. С. Язык и знание: На пути получения знаний о языке: Части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира. — М.: Языки славянской культуры, 2004. –С. 132.

1-расм. Аспектуал маънолар даражаланиши:



Ушбу чизмада прототип сифатида феълнинг чегараланганлик ва чегараланмаганлик хусусиятлари олинган. Чегараланганлик маъноси тугалланганлик, пунктуаллик, натижавийлик, итеративлик каби семантик даражаланишга эга бўлса, чегараланмаганлик давомийлик, процессуаллик, дуративлик, хабитуаллик маъноларига даражаланади.

Прототип семантикаси назарияси феълга нисбатан татбиқ этилганда феълларнинг динамик ва статив хусусиятларидаги прототип белгисини аниқлаш муҳим самара бериш мумкин.

Фрейм семантикаси мустақил лисоний бирликлар туркумига кирувчи сўзлар, иборалар, махсус грамматик тузилмалар маъносини концептуал таркиб сифатида ўрганишга қаратилган ёндашувдир. Бинобарин, фрейм субъектнинг фаол ҳаракати натижасини намойиш этиш орқали ифодаланганда субъект нутқи ва ҳаракати ўзаро мос келмайди. Натижа фрейми яқин келаси замонда бўладиган воқеа ҳодиса ёки жараёнлар тўғрисидаги маълумотни билдиради. Шунингдек, мазкур фрейм олдин амалга оширилган ҳаракат, ҳолатларнинг натижасини кўрсатиб келади. Бунда кесим воситасида ифодаланган ҳаракат амалга оширилиб бўлинган ҳаракатларнинг натижасида юзага келган аспектуал вазият сифатида қаралади. Мақсад фрейми билдирилган вазиятнинг маълум режа асосида ўзгариши тўғрисидаги маълумотни сақлайди. Ушбу фреймда асосий мақсад маъноси кесимда ифодаланади. Мазкур аспектуал вазиятнинг асосий жиҳати сифатида субъект ва объект муносабати тўғрисидаги маълумот кесимда мавжуд бўлишида кўринса-да, лекин асосий мақсад маъноси гап, матн орқали аниқланади.

Аспектуал фреймларнинг асосийси воқеа-ҳодиса фрейми саналади. Воқеа-ҳодиса фрейми, ўз навбатида, воқеанинг бошланиши, давомийлиги,

тугалланиши, такрорийлиги каби тугунларда намоён бўлади ҳамда субъект ва объектнинг миқдорий кўрсаткичлари билан боғлиқ тугунлар макон, мақсад, темпораллик ва феъл семантикасидаги чегараланганлик/чегараланмаганлик хусусиятлари билан қоришиб кетади.

Умумий планда аспектуалликнинг фреймли тасавури ўз ичига объект, субъект компонентлари ўртасидаги муносабат ва субъектнинг ҳаракатга бўлган муносабати натижасида юзага келадиган тугалланганлик / тугалланмаганлик, натижавийлик / натижага эга бўлмаганлик, давомийлик / нодавомийлик, дуративлик, ҳаракат ва ҳолат, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш каби маъноларнинг бошқа ҳаракатлар билан боғлиқлигини ўз ичига олади.

Аспектуал маъноларнинг ифодаланиши, юзага келиши жараёнида қуйидаги семантик компонентлар муҳим: МУАЛЛИФ/АГЕНС-ҳаракат бажарувчиси, ВОҚЕА/ҲОДИСА-ҳаракат кечими, ПАЦИЕНС-объект, МИҚДОР-объектнинг қамровли хусусияти, ВОСИТА-ҳаракат кечимида фойдаланиладиган бирлик, ЛОКАТИВЛИК-воқеа/ҳодиса содир этилаётган макон, НАТИЖА-ҳаракат кечимининг якуний белгиси, ДАВОМИЙЛИК-вақт-темпорал бирликлар алоқадорлигида юзага келадиган ҳаракат оқими, САБАБ/МАҚСАД-ҳаракат, вазиятнинг сабаб ва мақсадли кўриниши ва ҳаракат кечими. Мазкур компонентлар ёрдамида ҳосил бўладиган аспектуал маъноларнинг фрейм моделларини тузиб чиқиш имконияти юзага келади.

Таҳлиллар кўрсатадики, аспектуал фреймлар қаторига тугалланганлик, итеративлик, давомийлик, бошланганлик, дуративлик, тематиклик кабилар киради. Ўз навбатида, мазкур фреймлар турли синтактик воситалар ёрдамида феълнинг лексик-семантик хусусияти таъсирида ўзига хос ички аспектуал маъноларга ҳам ажратилади. Бу каби аспектуал хусусиятлар алоҳида тугунлар сифатида талқин этилади. Жумладан, бошланганлик (инхоативлик) фрейми интенсив бошланганлик, тасодифан бошланганлик, фазали, мақсадли каби тугунлардан иборат бўлса, итеративлик фрейми семифактив, карралик, онийлик, ҳабитуаллик тугунларида намоён бўлади. Давомийлик фрейми темпорал (нутқ вазиятидаги маълум давомийлик), фазали, прогрессив тугунларини қамраб олади.

Диссертациянинг учинчи боби **«Аспектуал ва темпорал семантиканинг функционал тадқиқи»** деб номланиб, унда аспектуал маъноларнинг функционал-семантик майдондаги ифодаланишида темпорал бирликларнинг муҳимлиги исботланади.

Аспектологик ходисаларнинг функционал-семантик майдонда таҳлил этилишида предикат вазифасидаги феълнинг акционал маъносига асосланилиши баробарида, контекстдаги бошқа тил бирликларининг предикатга таъсири ҳам эътиборга олинади.

Маълум вақт жараёнида юзага келадиган вазиятларнинг барчаси ўз ифодаланиш хусусиятига кўра аспектуаллик соҳасига тегишли. А.В. Бондарко «аспектуалликнинг функционал-семантик категорияси

ҳаракат оқимини характерловчи барча воситаларни қамраб олади²³», деган фикрни билдиради. Албатта, ифодаланадиган аспектual вазиятлар биргина кесим доирасида юзага келмайди ва уларнинг фарқланиши контекст таркибидаги барча тил бирликларининг қўлланишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам биргина феъл лексема контекст таркибига кўра, турли аспектual вазиятларни ифодалаши мумкин.

Темпорал муносабат сифатида феъл воситасида кодлашган жараёнлар назарда тутилса, атемпорал муносабат анча мураккаб бўлган категория саналади ва сифат, предлог, равиш, феълнинг шахссиз шаклларини қамраб олади. ВАҚТ тушунчасининг етакчи белгиси темпорал ва атемпорал муносабатлар ўртасидаги фарқни белгилайди. Бунда «сканерлаш» ҳаракат жойи турлари қандай қабул қилиниши, ҳамда концептуал идрокнинг бошланишини кўрсатади. Кетма-кет «сканерлаш» турида вақт концептуаллашуви динамик жараён ва воқеа-ҳодисанинг хусусияти сифатида характерланади²⁴.

Шу ўринда аспектual вазият, аспектual ҳодиса ва аспектual жараён турларини изоҳлаб ўтиш жоиздир. А.В. Бондарко аспектual маъноларнинг контекст доирасида қўлланишини тавсифлашда «асспектual вазият» атамасини киритади. Муаллиф таърифича, аспектual вазият бу «муайян жумладаги меъёрий сигнификатив вазиятни аспектual элемент сифатида баҳолашдир»²⁵. Б. Ризаев аспектual вазият доирасида феъл акционал хусусиятларининг ўрнини белгилаб беради²⁶. Аспектual ҳодиса (events) мустақил саналадиган, мазмунан тўлиқ бўлган ва маълум нутқий ифодани англатадиган феъл хусусиятидир.

Акционал ёки аспектual композициянинг моҳияти шундан иборатки, бунда предикатнинг чекланганлик хусусияти унинг номинатив аргументининг семантик хусусияти таъсирида содир бўлади. Ҳар бир гапнинг маълум бир қисми пропозиционал мазмуннинг соҳиби сифатида ажратилади ва ўша қисм композиционаллик принципига асосланган ифода ҳисобланади. Демак, аспектual композициянинг асосий мақсади тилда ифодаланадиган мураккаб қурилмаларнинг синтактик боғлиқлиги ва семантик натижани аниқлашга қаратилади.

Мазкур ёндашув тарафдорлари аспектual композицияни аниқлашда Манфред Крифканинг «Мереологик ёндашув» назариясига асосланган ички аргумент(асос)нинг миқдорий кўрсаткичларига эътибор қаратишади. Мазкур ҳолларда предикат томонидан ифодаланган ҳодисанинг замон (вақт)даги оқими ва денотатив аргументнинг хусусияти ўзгариши назарда тутилади. Ушбу ўзгаришнинг юзага келишида объект ҳажми кенгайиши ҳамда ҳолат

²³ Бондарко А.В. Принципы функциональной грамматики и вопросы аспектологии (2-изд.). – М.: Эдиториал УРСС, 2001. – С. 117.

²⁴ Evans V., Green M. Cognitive linguistics. An introduction. – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2006. – P. 535.

²⁵ Бондарко А.В. и др. Теория функциональной грамматики. Введение, Аспектuality, Временная локализованность, Таксис (Коллективная монография). – Л.: Наука, 1987. – С. 23.

²⁶ Ризаев Б.Х. Проблема аспектной семантики временных форм немецкого глагола. Аспектная семантика претерита.– Ташкент: «Фан», 1999. –С. 56.

ўзгариши ҳосил бўлиши ёки камайиш жараёни тугалланиши ўзига хос градуал семантика сифатида қаралиб, инкременталлик (фёъл лексемага хос табиий тугалланиш)ни юзага келтиради. Қуйида инглиз ва ўзбек тилларидаги инкрементал фёъллар ифодалайдиган аспектуал семантик белгиларнинг баъзиларига эътибор қаратамиз:

- plough (earth) чекланмаган аспектуал семантика;
- plough (the tree) чекланган аспектуал семантика;
- ағдармоқ (ерни) чекланмаган аспектуал семантика;
- ағдармоқ (дарахт тагини) чекланган аспектуал семантика;
- clean the room чекланган аспектуал семантика;
- clean the floor чекланмаган аспектуал семантика;
- хонани тозаламоқ чекланган аспектуал семантика;
- полни тозаламоқ чекланмаган аспектуал семантика;
- майдонни тозаламоқ чекланмаган аспектуал семантика.

Айнан композицион ёндашув аспектуалликка оид ходисалар моҳиятини тушунишнинг дискурсив кўринишинига асос бўлади. Бундай таҳлил нуқтаи назаридан ёндашилганда воқеа-ходисанинг ботиний хусусияти ва унинг вақт оралиғида қай ҳолда тақсимланиши эътиборга олинади. Чунки вазият мазмуни ўз моҳиятига кўра аспектуалдир.

Аспектуал маънони ифодаловчи бирликлар матн доирасида дейкис вазифасини ҳам бажариши мумкин. Қуйидаги мисолга эътибор қаратамиз:

Hathall drew in his breath. He seemed to have a very real need of oxygen. Slowly he shook his head.

'No idea at all, Mr Hathall ?'

The head-shaking went on. It was robot-like, automatic, as if running on some dreadful cerebral clockwork, and Wexford had the notion that Hathall would have to take his head in both hands and grasp it to stop that slow mechanical movement. (Ruth Rendell, 69).

Ушбу мисолдаги *The head-shaking went on* аспектуал хусусиятли тузилма олдинги вазиятга ишора, яъни дейкис вазифасини ўтаган. Берилган мисолдаги *he* дейкиси анафорик хусусиятга эгалиги, яъни *Hathall* шахсига бўлган ишорадан ташқари, вазиятда иштирок этаётган субъектлар бажараётган ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларнинг натижа ва сабабларини аниқлашга қаратилганлигини кузатиш мумкин.

Дискурс дейкисининг турли сатҳларда фаоллашиш хусусиятининг кенглиги уни батафсил тўхталиш имконини бермайди. Биз ўз мақсадимиздан четга чиқмаган ҳолда, дискурс дейкисининг темпорал ва аспектуал жиҳатларига эътибор қаратамиз. Масалан: *For a moment he stood with his back to her, then he turned on his heel and faced her, his dark eyes glittering, his cheeks pulled in in fury. «I am disappointed in you, Amanda (Jude Deveraux, 50);*

He sat in unnatural silence beside ol' stiff-necked Taylor, eating veal cutlets while Taylor ate more boiled fish (Jude Deveraux, 51).

Кечки пайтлар бўлса Ёдгорни кўтариб оламан. Паркларга бориб, циркларга қирамиз. Айланма от ўйинида Ёдгорни отга миндириб

айлантираман. Қувноқ, бахтли, саодатли умр жуда секин ўтиб туради. Ёдгор келган кунларимда бир оз тортиниб турган бўлса, кейинги кунларда жуда иноқлашиб кетди (Ғ. Ғулом, 128).

Келтирилган мисоллардаги вазиятлар ўз ичига давомийлик ва ҳолат маъноларини қамраб олган бўлиб, *for a moment, while, кечки пайтлар, келган кунларимда, кейинги кунларда* каби темпорал дейкислар вазиятларни замонда жойлаштириш вазифасини бажариб келган. Мазкур нарратив тузилмаларда бир неча ўхшаш бўлмаган вазиятлар ифодаланган. Ушбу кетма-кет қўлланилган вазиятларда бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш *stood*, тугалланганлик (*turned on his heel*), инхoативлик (*faced her*), перфективлик (*pulled in in fury*) каби аспектвал вазиятларга дуч келамиз. Ўзбек тилидаги мисолда (*отга миндириб айлантираман*) хабитуал, (*умр жуда секин ўтиб турибди*) дуратив, (*иноқлашиб кетдик*) интенсив аспектвал вазиятлар юзага келган. Дейктик белги матн доирасида темпораллик ва аспектваллик каби бошқа категориал белгилари билан ҳам узвий боғлиқ бўлиб, улар матнда турли воситалар ёрдамида ифодаланади. Дейкис ифодаланаётган воқеа-ҳодисаларнинг муҳим лавҳаларига ишора қилиш вазифасини бажаради. Бу жараёнда дейктик ифода маълум феъллар зиммасига ҳам юклатилиши мумкин. Феъл маънолари субъектнинг объектга йўналган ҳаракатини ёки муносабатини ифодалаш билан бир қаторда, аспектвал маънолар (тугалланганлиги ёки давомийлигини) ифодаланишини ҳам таъминлайди.

Когнитив грамматикага доир тадқиқотларда маъно ва мазмун фарқига нисбатан концептлар бир неча турларга ажратилади. Мазкур концептлардан бири «акционаллик» концепти ҳисобланади. «Акционаллик», ўз навбатида, «ҳаракат бажарувчисига мосланганлик», «ҳаракатга йўналтирилганлик», «объектга йўналтирилганлик», «таъсир этувчи воситага йўналтирилганлик», «ҳаракат натижасига йўналтирилганлик» ва шунингдек, факультатив хусусиятлардан «вақт-замонга мослашиш», «маконга мосланганлик» каби семантик хусусиятларни фаоллаштиради. Ушбу семантик хусусиятлар объектга таъсир этиш ёки ҳаракат йўналтирилганлиги ва бунинг оқибатида натижага эришиш каби ҳаракатнинг бошқарилишини қамраб олади. Бу жараён, охир-оқибатда, темпорал мазмун билан уйғунлашади.

Тўртинчи боб «**Темпорал дейкис ва нутқий мулоқот жараёнининг когнитив-прагматик белгилари**» деб номланиб, унда маълум воқеа-ҳодисанинг шаклланишида темпорал таркибнинг ўрни, темпорал бирликларнинг воқеа-ҳодисаларни концептуаллаштиришдаги аҳамияти таҳлил этилган.

Р. Деклеркнинг фикрича, *вақт* экстралингвистик категория саналади, яъни у тилдан мустақил равишда мавжуд тушунча ҳисобланади. *Замон* эса лингвистик концептга тегишлидир. У феъл билан ифодаланган маълум шаклни вақтга тегишли бўлган вазиятга мослаштиради. Бунда вақт вазияти ва темпорал муносабат ўртасидаги алоқадорлик ифодаланади²⁷. Бунда,

²⁷ Declerck R. The Grammar of the English Tense System. A Comprehensive Analysis. Volume 1: – Berlin: Mouton de Gruyter, 2006. – P. 22.

темпорал контекст семантикаси, одатда, замон шакллариининг контекстдаги грамматик белгилари иштирокида амалга оширилади. Темпорал семантика кўрилатган феъл шакллариининг ҳам вазифавий, ҳам узвув хусусиятлари билан мувофиқлашади. Шундай экан, темпорал семантик мослашув предикат хусусиятиниинг етакчи белгиларидан бирига айланади. Темпораллик фақат лексик, грамматик, семантик сатҳларда ўрганилмай, балки концептуал аҳамиятга ҳам эгадир.

Темпорал ҳодиса ва жараёнлар темпорал онийлик, давомсизлик ва итеративлик (такрорийлик) тушунчалари воситасида концептуаллашади. Бунда дуративлик (ҳаракат ва ҳолатнинг вақт орлиғидаги кечими) хусусият асосий эканлигини ҳам унутмаслик лозим.

Тилда мавжуд темпорал равишлар ва бирикмалар қуйидаги уч гуруҳдан бирига тегишлидир:

1. Биринчи гуруҳдагилари асосан вақт кесимини тасвирлайди ва уларга тегишли кўрсаткичлардир: *last week, next month, the day before yesterday, this morning, three days ago, today, yesterday; ўтган ой, келаси йил, кеча, бир неча кун аввал, икки соат олдин; бу турга 1848; 1995 йилда ва on June 7, 1848* каби ибораларни ҳам киритиш мумкин. Темпорал равишлар ва бирикмалар аниқ вақтга ишора қилишлари ҳам мумкин: *now; precisely at noon on June 7, 1848; ҳозирда, 1941 йил 22 июнь тонғида.*

Темпорал равишлар махсус кичик категорияларни ташкил қилиб, вақтнинг бошланиш, тугалланиш қисмларини кўрсатиш учун хизмат қилади. Жумладан, *since last Tuesday, before Tuesday next* ёки шу иборалар бошқачароқ кўриниш олганда, эҳтимол, вақтнинг бошқа бир даври ифодаланади: *since the preceding Tuesday, before the following Tuesday.* Ўзбек тилида эса бу вазифа *якшанбадан бери, -дан олдин, -гач* каби аффикс ва кўмакчилар ёрдамида амалга оширилади.

2. Сон ва фреквентатив темпорал равишлар ҳам маълум гуруҳни ташкил этиб, воқеа-ҳодиса ҳамда ҳаракатларнинг такрорийлигини — *at least once, on a few occasions, several times, twice, two times; бир неча бор, икки мартаба, баъзи пайтларда*—ёки фреквентативликни кўрсатиш учун хизмат қилади: *annually, hourly, once a month, several times a year, twice a year; ҳар йил, ойига бир мартаба, ҳар он* ва бошқалар. Мазкур кўрсаткичлар воқеа-ҳодисаларнинг вақт оралиғида содир бўлиш жараёнини ифодалайди. Шунингдек, *every hour* каби иборалар соатлар оралиғида содир бўладиган ҳаракатларнинг такрорланишини ифодалаш учун қўлланади. Такрорий аспектун семантикани англатадиган *at regular intervals, regularly, repeatedly; қайта-қайта, яна ва яна* каби темпорал адвербиаллар маълум вақт оралиғидаги ҳаракатларнинг итеративлигини англатади. Инглиз тилида шу каби маъноларни ифодаладиган бир қанча мустақил иборалар мавжуд: *every once in a while, every so often, from time to time, hardly ever, on occasion, now and then, scarcely ever, very often etc.* Мазкур маънолар ўзбек тилида *тез-тез, вақти-вақти билан, гоҳида, баъзан, ҳар замонда* каби тил бирликлари ёрдамида намоён бўлади.

Шунингдек, ҳаракатларнинг миқдорини билдирадиган мазкур турга тегишли равишлар ҳам бор: *biannually, every other hour, hourly, twice every three years*. Ҳаракатлар миқдори ўзбек тилида *бир бор, ҳар он, ҳар лаҳзада* ва шу каби равишлар ёрдамида ифодаланади.

3. *Дуратив* (узвий маънони билдирувчи) равишли иборалар тасвирланган воқеа-ҳодисанинг маълум белгиланган вақт оралиғидаги давомийлигини ифодалаш учун қўлланилади. Мазкур гуруҳга *for an hour, бир соат давомида* қабилидаги иборалар мисол бўла олади. Ушбу синфга оид бўлган фразали темпорал адвербиалларга (*with*)*in* or *inside of, like (with)in an hour* киради ва қамраб олувчи вазифасини бажаради. Ушбу темпорал равишлар чегараланган жараённинг дуративлигини кўрсатиш учун ишлатилади. Эслатилган *for an hour* темпорал равиши эса чегараланмаган жараёнларнинг дуративлигини ифодалайди (*she swam for an hour*).

Қўшма гаплар таркибида пайт эргаш гап бош гап орқали ифодаланган ҳаракатнинг бир вақтда ёки олдин содир этилганлигини кўрсатиб келади. Шунинг учун уларни маълум вақтга тааллуқли дейктик вазифа бажарувчи воситалар қаторига қўшиш мумкин: *When she came, Steeve was eating a pie. When she came, Steeve had eaten the pie. У келганда, мен китоб ўқиётган эдим. У келганда, мен китобни ўқиб бўлган эдим.* Воқеа-ҳодисанинг темпорал ривожланиши, мантиқан олганда, макон билан ҳам мослашиши мумкин. Мисол учун, *Steeve walked from the university to the lake* гапида тасвирланаётган ҳодиса Стивнинг университетдан чиқиши билан бошланиб кўлга етиб бориши билан якунланади. Айнан *университет* ва *кўл* макон кўрсаткичлари ҳодисанинг бошланиш ва якунланишини англатувчи мантикий темпорал ифодани ҳосил қилган.

Замон ва тус семантикаси мақсад, ҳаракатлар натижасига алоқадор ҳолда маълум шаклга эга. Темпораллик эса тор доирада кўплаб шу каби тизимларнинг бир бўлагидир.

Нуткий тузилмаларда темпораллик кодлашишининг бир неча усуллари мавжуд:

-замон ва аспект категориялари;

-пунктуаллик, дуративлик ҳамда шу каби феъл ва унга тегишли бирликларга хос бўлган темпорал хусусиятлар;

- *to begin to sleep, to continue to smoke, ишни бошламоқ, уйқуни давом эттирмоқ, ўқишни якунламоқ, ниҳоясига етказмоқ* каби мураккаб феъл кластерлари;

- турли гуруҳдаги темпорал равишлар.

Воқеа-ҳодисаларнинг ифодаланишида тил бирликларининг қўлланилиши инсон хотирасидаги маълумотларнинг ифодаланиш усуллари билан ҳам алоқадордир. Маълумки, инсон хотираси узоқ ва яқин ўтмишдаги хотираларни воқелантира олиш имкониятлари билан ўлчанади. Узоқ ўтмиш хотираси маълум вазият ва лавҳа сифатида семантик хусусият касб этса, яқин ўтмиш хотиралари бевосита иш-ҳаракат жараёни ва содир этилган воқеа-ҳодисалар борасидаги тўлиқ маълумотда акс этади. Шунинг учун ҳам узоқ

Ўтмиш хотираси концептуал ва қомусий билимни қамраб олади. Мазкур хотира маълумотларининг берилиши ўзига хос темпорал ва макон кўрсаткичларига эга бўлади. Темпорал бирликлар феъл ёрдамида англашиладиган ушбу маълумотларнинг аниқ вақтини белгилайди. Семантик нуқтаи назардан баҳолаганимизда, темпораллик ва аспектуаллик вақт кечимида юзага келадиган турли воқеа-ҳодисаларнинг алоҳида хусусиятларини (тугалланганлик, бошланганлик, давомийлик, такрорийлик ва ҳақозо) аниқлаш учун хизмат қилади.

Темпораллик билан алоқадор маънони ифодалашда қўлланиладиган тил бирликларининг грамматик ва семантик таркиби темпорал ҳамда аспектуал маъно бўлакларидан ташкил топади. Темпоралликни кўрсатувчи тил бирликлари воқеа-ҳодисаларнинг умумий кўринишини, яъни қай вақтда содир этилганлигини кўрсатса, аспектуал маъно ўша вақт оралиғида содир этиладиган алоҳида вазият ёки ҳодиса сифатида берилладиган маълумотлар билан алоқадор бўлиб, қўлланиладиган тил бирликларининг маъносига ва шакллариغا тегишли саналади.

ХУЛОСА

1. Матндаги аспектуал муносабатлар воқеа-ҳодисаларнинг темпорал қатламида юзага келади. Темпорал бирликлар воқеа-ҳодисаларнинг кетма-кет жойлашувининг лисоний кўрсаткичи вазифасини бажаради. Темпорал белгилар аспектуаллик мазмунининг замонга алоқадор жиҳатларини кўрсатишда ва шунингдек, вақт кечимини тақсимловчи лисоний бирликлар сифатида ифода планига кўчади.

2. Инглиз тилида аспектуалликнинг ифодаланиши предикат доирасида турлича шаклланган вазиятларнинг ҳамда воқеа-ҳодисаларнинг маъно кўламига боғлиқ. Бунда бирор вазиятнинг перфектив семантикаси бошқа вазиятнинг бошланиши ёки давом этишини боғлайдиган воситадир.

3. Ўзбек тилида аспектуаллик феълларнинг лексик-семантик хусусиятлари, кўмакчи феълли бирикмалар, матнда гапларнинг мазмунан боғлиқлиги, матн қисмларининг мазмунан узвийлиги, ўзаро боғланганлигини таъминловчи восита сифатида муҳим ўрин тутаяди.

4. Матннинг темпорал шаклланишида синтактик ва семантик таркиб билан бир қаторда, нутқий андозалар, ижтимоий, психологик, интеллектуал, прагматик, когнитив, лингвокультурологик ва бошқа омилларнинг ўрни муҳим. Шу сабабли «вазият», «воқеа-ҳодиса» тушунчаларини акс эттирувчи лисоний белгилар билан бир қаторда, нолисоний асосларга ҳам эътибор қаратилди. Бунинг натижасида гап ва матн темпорал мазмунида семантик, когнитив, прагматик боғланиш мавжудлиги исботланди: а) семантик боғланиш матнни ташкил қилувчи элементларнинг таркибига кўра амалга оширилади; б) когнитив-семантик боғланиш вазият ёки воқеа-ҳодисанинг ўқувчи, кузатувчи онгида акс топиши шароитида кузатилади; в) прагматик боғланишнинг матн таркибидаги пресуппозиция, импликация, темпорал таркиб, референциал

муносабат, дейктик таркиб, нарратив жараёндаги семантик такрорланувчанлик ва бошқа шу каби жиҳатларда амалга оширилиши далилланган.

5. Нарратив матнда аспектуаллик тасвирий ифода, маълумотлар кетма-кетлигида ва диалогларда акс этаётган воқеа-ҳодисаларнинг бир-бирига ўзаро алоқадорлигини таъминлаш учун хизмат қилиши асосланди.

6. Нарративлик доирасида аспектуал маъно бирор воқеа-ҳодисанинг иккинчисига муносабати, яъни ўша воқеа-ҳодисада ифодаланган ҳаракат, ҳолат, вазиятнинг иккинчисини тўлдириши билан юзага чиқади. Бу жараёнда темпораллик воқеа-ҳодисаларни вақт оралиғига жойлаштирувчи вазифасини ўтайди. Бу каби вазиятларда воқеа-ҳодиса макон ва вақт бўлагининг маълум маънода концептуаллашуви учун хизмат қилган.

7. Аспектуалликнинг когнитив тавсифи «сканерлаш» амали ёрдамида бажарилади. «Сканерлаш» воқеа-ҳодисаларнинг замон ва макондаги кечимини тасвирловчи ментал ҳодиса, когнитив ҳаракатнинг асосий усулидир. Аспектуалликнинг концептуал тавсифи доирасида фреймлар (бошланганлик, давомийлик, дуративлик, тугалланганлик, итеративлик)нинг шаклланиши аниқланган.

8. Когнитив сатҳда аспектуал маъноларнинг прототип назарияга асосланган таснифи амалга оширилган. Прототиплик маълум сатҳга тегишли тил бирликларини таққослаш асосида белгиланади. Бунга, асосан, тус категорияси аспектуал сатҳнинг прототипи сифатида танланиши лозим. Прототиплик назарияси татбиқи тилда акс этадиган аспектуал маъноларни майдон назарияси тамойилларига кўра фарқлаш ҳамда шу соҳага оид билимларнинг таркибий қисмларини ва мавжуд тушунчаларни тизимлаштириш имконини беради.

9. Инглиз тилида темпорал бирликлар аспектуаллик тушунчаси сирасига кирувчи перфект, давомлилик, дуративлик, бошланганлик, итеративлик, тугалланганлик каби маъноларни кўрсатадиган дейктик восита вазифасини бажаради. Бу ҳол, ўз навбатида, темпорал бирликларнинг аспектуал дейксиси мақомини олади. Ўтган замон шакллари тасвирлашда дейктик бирликлар берилган замон ва вақт кўрсаткичига нисбатан таксиснинг воқеаланиш кўрсаткичи вазифасини бажаради. Умумий планда инглиз тилида темпорал бирликлар феълнинг тус-замон категорияси билан бириккан ҳолда англатадиган маънолари ва уларнинг дейктик хусусиятларини *замон* → *аспект* → *таксис* → *аспектуаллик* занжири доирасида тавсифлаш мумкин.

10. Ўзбек тилида темпорал бирликлар воқеа-ҳодисаларнинг замондаги кечимига ишора вазифасини бажарувчи дейктик кўрсаткич вазифасини бажариш билан чекланиб қолмасдан, балки аспектуалликка тегишли дуративлик ва итеративлик маъноларини ҳам кўрсатади. Ўзбек тилида темпорал бирликларнинг дейктик хусусиятлари *замон* → *аспектуаллик* боғлиқлигини ташкил қилади.

11. Тадқиқ қилинган тилларда аспектуал оппозиция хусусиятлари дискурсада, айниқса, нарратив баёнда муҳим ўрин тутиши аниқланди. Имперфектив ёки перфектив шакллари матндаги турли воқеа-ҳодисаларнинг

хронологик алоқалари шаклланишига таъсир этади. Перфективлик аспекти кетма-кет келадиган воқеа-ҳодисалар тасвирида учрайди ва нарративликни очиб беришда муҳим ўринда туради. Имперфектив жиҳат тағмаънога хос бўлиб, тенг, давомли вазият, ифода ва ҳаракатларни ёритиш ёки перфектив маълумотни ёпиш учун хизмат қилади. Бу аспектual маъноларнинг дискурсив-прагматик сатҳда қаралишига асос бўлади.

12. Аспектualлик гаплар кетма-кетлигини боғлашга хизмат қилганда дискурсининг бир таркибий қисми сифатида амал қилади. Аспектualликда ифодаланадиган ҳаракат ва ҳолат муносабати дискурсининг функционал таркибига тегишли, чунки ҳар бир гапнинг функционал тури статик муносабат ва динамик жараёни англатади. Ҳар бир мустақил воқеа-ҳодисанинг ички таркиби тугалланган аспектual вазият сифатида қаралади ва дискурс қоидаларига кўра битта замон шаклида ифодаланadi. Инглиз тилида, одатда, ўтган ноаниқ замон шаклларида ифодаланган воқеа-ҳодисалар итератив табиатли бўлади. Бу, ўз навбатида, предикатни ташкил қилувчи феълларнинг чегараланганлик хусусияти, шунингдек, контекстуал кўрсаткичларнинг қўлланишига ҳам боғлиқ. Мазкур ҳолатда инглиз ва ўзбек тилларидаги аспектual маъноларнинг фарқланиши мумкинлиги ойдинлашди. Бу қиёсланаётган тилларнинг нафақат морфологик кўрсаткичларда, балки мазкур тилларнинг тузилиши ва лисоний таркибда ҳам алоҳида фарқланишлигига ишора қилади. Жумладан, ўзбек тилида кўмакчи феълларнинг қўлланилиши берилган вазиятдаги аспектual маъноларнинг ифодаланишига аниқлик киритса, инглиз тилида феълнинг чегараланганлик/чегараланмаганлик семантикасида ташқари, матндаги миқдорий, вақт кўрсаткичлари ёрдамида аниқлик киритилиши исботланди.

13. Тиллараро изоморфликнинг алоҳида кўриниши бўлган темпораллик семантик категория сифатида нафақат феъл, балки номинатив (от, сифат, сон кабилар) гуруҳга мансуб сўзларнинг дискурсда фаоллашувида ҳам намоён бўлади. Матн доирасида темпорал номинатив бирликлар объект сифатида предикат семантикасига ўз таъсирини ўтказади. Номинатив бирликлар феъл билан ифодаланган предикатдаги тугалланганлик, давомийлик, натижавийлик, бир бутунлик каби семантик маъноларни ёритишга хизмат қилади.

Темпорал ва аспектual маъноларни прагматик кўламда ва когнитив нуқтаи назардан тадқиқ этиш истиқболли йўналишлардан бири бўлиб, турли маданият вакиллариининг вақт кечими, воқеа-ҳодисаларнинг тилда ифодаланишини ўша маданият лисоний олами манзараси акс этишини очиб беришда муҳим ўрин тутadi.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.26.04.2018.Fil.01.10 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА, САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ИНСТИТУТЕ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ, АНДИЖАНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ
ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

МИРСАНОВ ГАЙБУЛЛО КУЛМУРОДОВИЧ

**КОГНИТИВНО-ПРАГМАТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ВЫРАЖЕНИЯ
АСПЕКТУАЛЬНОГО И ТЕМПОРАЛЬНОГО СОДЕРЖАНИЯ
(на примере английского и узбекского языков)**

**10.00.06 – Сравнительное литературоведение, сопоставительное языкознание и
переводоведение**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора наук по филологическим наукам (DSc)**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам зарегистрирована за номером №/B2019.1.Fil.76 Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном институте иностранных языков.

Автореферат диссертации на трех (узбекский, русский, английский) языках размещен на веб-сайте Научного совета (nuu.md.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный консультант: **Сафаров Шахриёр Сафарович**
док.филол. н., проф.

Официальные оппоненты: **Расулова Махфуза Инамовна**
док.филол. н., проф.

Раупова Лайло Рахимовна
док.филол. н., проф.

Усманова Шоира Рустамовна
док.филол. н., проф.

Ведущая организация: **Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.26.04.2018.Fil.01.10 по присуждению ученых степеней при Национальном университете Узбекистана, Самаркандском институте иностранных языков, Андижанском государственном университете «___» _____ 2019 года в ___ часов. Адрес: 100174, город Ташкент, улица Фараби, 400. Тел (99871) 246-08-62; (99871) 246-65-24, e-mail: nauka@nuu.uz. Национальный университет Узбекистана, факультет зарубежной филологии (1- этаж, аудитория 1-12).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (рег.№ ___). Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университет, 4. Тел (99871) 246-08-62; (99871) 246-65-24.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.

(Протокол реестра рассылки № __ от «___» _____ 2019 года).

А.Г. Шереметьева
Председатель Научного совета,
док.филол.н., профессор

Ш.О. Назирова
Ученый секретарь Научного совета,
канд.филол.н., доцент

И.А. Сиддикова
Председатель Научного семинара при
Научном совете, док.филол.н.,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы. В мировой лингвистике большое внимание уделяется практическим сторонам использования языка, исследованию его социальной сути. Ярким примером этой тенденции могут служить широкомасштабные исследования по прагмалингвистике, социалингвистике, когнитивной лингвистике, лингвистике текста. В рамках этих исследовательских направлений на первый план выходит изучение проблемы практического использования языка в коммуникативном процессе. В частности, особую значимость приобретают вопросы выражения в тексте темпорального и аспектуального значений, уточнение их роли в коммуникативной ситуации, когнитивно-концептуального осмысления этих явлений, раскрытие их функционального потенциала и осуществление их концептуальной классификации.

В настоящее время, в лингвистических школах мира последовательно реализуются исследовательские проекты, направленные на освещение аспектов применения языка в условиях коммуникации и осуществление когнитивно-прагматического анализа способов достижения коммуникативной цели посредством лингвистических и экстралингвистических инструментов и методов. В целях реализации данных проектов расширяются масштабы научных исследований по описанию дополнительного потенциала единиц различных уровней на материале многих языков. Известно, что аспектуальные и темпоральные значения взаимосвязаны друг с другом и свойственны всем языкам, однако различия в воплощении этих явлений в каждом конкретном языке обосновывает необходимость изучения их когнитивно-дискурсивной реализации на основе сопоставительного анализа.

В настоящее время, на фоне проводимых в нашей стране широкомасштабных реформ, особое внимание, наряду с другими сферами, уделяется развитию науки, как основе развития общества. В частности, с учетом тенденции духовного подъема, приоритетными являются задачи укрепления теоретической базы лингвистических исследований для обеспечения их соответствия современным требованиям. Тот факт, что в нашей стране также осуществляется анализ языковых явлений в русле вышеуказанных исследовательских направлений является доказательством того, что узбекские ученые идут в ногу с мировыми тенденциями научного развития. Об этом также свидетельствуют исследования, проводимые в целях максимально возможного изучения потенциала средств языка в плане выражения значения. Для реализации намеченной цели необходимо расширить масштабы фундаментальных исследований и обеспечить внедрение их результатов в процесс реализации инновационных идей и технологий. Ведь, как отметил глава нашего государства, «не случайно, что достижения в области науки в мире были достигнуты именно в направлении фундаментальных исследований»¹.

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. –Б. 171.

